Экспертлик (баҳолаш) хизматларини кўрсатиш учун техник вазифа

1. ЛОЙИҲА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

“#Yoshstan: ёшлар йўналишидаги фуқаролик жамияти ташкилотларининг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси Search for common grounds халқаро нотижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ва “Ҳамроҳ” ННТ томонидан Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида Андижон давлат университети қошида “Юридик клиника” ташкил этиш орқали Андижон, Асака ва Избоскан вилоятларида яшовчи ёшларга юридик хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ёшлар билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларга ечим топиш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, меҳнат миграциясида бўлган, шунингдек, миграциядан қайтган ёшларга онлайн ва офлайн режимда ахборот-ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш режалаштирилган.

Амалга ошириш муддати: 2024 йил, май-июнь

2. ТЕХНИК ВАЗИФА МАҚСАДИ

1. Манфаатдор томонларнинг инклюзив диалогларини ўтказиш. “Ҳамроҳ” нодавлат ташкилоти билан биргаликда юридик клиника ходимлари, кўнгилли ёшлар, жамият етакчилари ва маҳаллий ҳокимлик органлари ва манфаатдор томонлар ўртасида инклюзив мулоқотни ривожлантириш. Мулоқотлар давомида иштирокчилар Андижон, Асака ва Избоскан вилоятларидаги муаммоларни муҳокама қилади ва бу муаммоларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари ҳамкорликда ишлаш йўлларини белгилайди.

Мулоқотлар юридик клиника ходимларига маҳаллий ҳокимликлар ва аҳолининг заиф қатламлари ўртасида воситачи сифатида ўз ишлари, мақсадлари ва қийматини тушунтиришга имкон беради. Шунингдек, юридик клиника ходимлари адвокатура ва ҳуқуқий асослар бўйича ўқув жараёнида олган билим ва кўникмаларини амалда қўллаши мумкин.

2. Ҳуқуқий билимлардаги бўшлиқларни, шунингдек, бенефициар гуруҳларнинг ахборот олиш воситаларини аниқлаш учун маҳаллий сўровлар ва оммавий мулоқот сессияларини ўтказиш.

Андижон вилоятида учта сўров ва учта оммавий мулоқот (ҳар бир мақсадли туман учун биттадан) ўтказиш кўзда тутилган.

3. ЛОЙИҲАНИ ЎТКАЗИШ ҲУДУДИ

Андижон вилоятининг Асака, Андижон ва Избоскан туманлари

4. НОМЗОДЛАРГА ТАЛАБЛАР

- Олий маълумот. Юридик таълим афзаллик беради;
- Экспертлик кўникмалари: олий таълим соҳасидаги қонунчилик, ахборот технологиялари, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тажрибаси, халқаро стандартлар бўйича ҳисоботлар ёзиш, очиқ манбалар, статистик маълумотлар билан ишлаш, норматив-ҳуқуқий ва институционал базани таҳлил қила олиш, сўров натижалари, экспертлик хулосалари ва тавсиялари;
- Тил билиш даражаси: ўзбек ва рус тилларини билиш, инглиз тили афзаллик беради;
- АКТ бўйича билимлар: Интернетдан фойдалана олиш, Googl, Word, Excel'да ишлай олиш. Инфографика, дизайн бўйича билимлар афзаллик беради.

Қизиққан номзодлар ўз резюмеларини 2024 йилнинг 20 май санасигача файлни Фамилия_эксперт (масалан: Солиев_эксперт) тарзида номлаган ҳолда инфо@yumh.uz электрон почта манзилига юборишлари сўралади.